

Ушбу сонда:

2 МУАММО КЎНДАЛАНГ КЎЙЛАДИ: ХЎЖАСИЗЛИК

3 АЁЛ КЎНГЛИ ГУЛДЕК НОЗИК

4 ИХТИРОГА МУНОСАБАТ ШУМИ?



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 2 март, сешанба №29 (676)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Греция Президенти Ўзбекистонда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таклифига биноан 1 март куни Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулос расмий ташир билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Бош вазир У.Султонов, ташқи ишлар вазири А.Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Греция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Д.Кипреос ҳам бор эди. (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва республикада паспорт тизimini такомиллаштириш, хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва ҳудудда бўлишни тартибга солиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин: хорижий фуқаролар, жумладан, МДХга аъзо давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва ҳудудда бўлишни тартибга солиш мақсадида:

МДХга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига уч кундан ортиқ бўладиган фуқаролари истиқомат жойида вақтинчалик қайддан ўтиши шарт;

Ўзбекистон Республикасига кириш визаси билан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визада кўрсатилган муддат билан вақтинча қайд этилади.

2. Ўзбекистон Республикасида Паспорт тизimini тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом;

Хорижий шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома, фуқароли-

ги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ-500-сонли Фармон билан тасдиқланган Низомга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурда, жумладан МДХга аъзо давлатлар фуқароларига ва хорижий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳномалар бериш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига уларни доимий қайд этиш масалаларини кўриб чиқиш учун махсус комиссиялар тuzилсин.

Махсус ҳудудий комиссияларга раҳбарлик қилиш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

Ушбу масалаларни ҳал этишда комиссиялар Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун келувчи шахсларни турар-жой, иш ва ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш имкониятлари мавжудлигига алоҳида эътибор берсин.

4. Паспорт тизими қондаларига, хорижий фуқароларнинг, жумладан, МДХга аъзо давлатлар фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши ҳамда республикада бўлиши тартибига қатъий амал қилиниши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 декабрдаги ПФ-1027-сонли Фармонига 1- ва 2-иловалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги 143-сонли Қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда қонунчилик ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 26 феврал



Янгийўл туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчилари ёшлар ўртасида тарғибот ишларини намунали олиб боришмоқда. Жонли суҳбатларда 16 февралдаги хунук воқеаларнинг айбдорлари қаттиқ қораланмоқда. Ўқувчиларнинг сезимли устозлари У.Манбетова, У.Сатторова (чапдан) каби табаррук онахонлар ўғил ва қизларни ватанини севиш, Истиқлолимизни кўз қорачигидек асрашга даъват этишмоқда.

А.ШАРИПОВ
олган сурат.

Халқаро Экология жамғармасининг сув ресурсларини ва атроф муҳитни бошқаришга доир лойиҳасининг асосий жиҳатларидан бири сувдан фойдаланишни ўзгартириш мақсадида сув ресурсларини бошқариш муаммолари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини оширишни вазифа қилиб қўйган. Бу лойиҳа Халқаро Оролни асраб қолиш жамғармаси ва Жаҳон банки билан биргаликда тайёрланган. Орол денгизи ҳавзаси дастурининг бир қисми ҳисобланган бу лойиҳанинг мақсадлари ва вазифалари фойдасига жамоатчилик фикрини шакллантириш Халқаро Оролни асраб қолиш жамғармаси Тошкентда ташкил қилган анжуманининг мавзуси бўлди. Унда Орол денгизи муаммоси билан шуғулланаётган таниқли олимлар, мутахассислар, ёзувчилар, журналистлар иштирок этди. Жаҳон банкининг маслаҳатчиси Уильям Херкерат бу борада маслаҳатлари билан иштирок этди.

Минтақадаги давлатлар бошлиқларининг 1993 йил март ойида Нукусда бўлиб ўтган учрашуви Орол денгизи муаммосини ҳал қилиш учун биргаликда ҳаракат қилишга асос бўлди. Тез орада Халқаро Оролни асраш жамғармаси тuzилди, Давлатимиз бошлиғи Ислон Каримов 1997 йилдан буён шу жамғарманинг президентидир. Жамғарма Орол денгизини асраб қолиш дастурини ишлаб чиқди. Бу дастур минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштиришга, фалокат зонасини соғломлаштиришга, чегаралар орқали ўтадиган дарё сувини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган.

ҲАЁТ МАНБАИ

Қуриб бораётган денгиз ҳавзасида сув танқислиги тобора кучлироқ сезилмоқда, сув эса минтақадаги мамлакатлар фаровонлигини мустақкамлашда ва уларнинг иқтисодий тараққиётида жуда катта аҳамиятга эга. Чунки маҳаллий иқтисодийнинг асосини қишлоқ ҳужалиғи ташкил этади ва у сугорма деҳқончиликдан иборат бўлиб, ҳозирги вақтда мавжуд сув ресурсларининг 90 фоизгача бўлган қисмидан фойдаланади. Айни пайтда сувни назоратсиз сарфлаш оқибатида унинг 50 фоизга яқин қисми берокта кетади. Ортиқча сугорилган тупроқнинг шўрлангани олиб келади. Оқова сувларнинг дарёларга қайтиб тушиши улардаги минерал миқдорининг кўпайишига, оқибат натижада умумий экологик ҳолатнинг ёмонлашуви олиб келади.

Ана шу бир-бири билан боғлиқ халқларни узиб ташлаш зарур. Бу жуда мураккаб вазифа эканини таш олимларимиз, Чунки минтақадаги мамлакатларда сувдан фойдаланувчилар, умуман аҳоли учун сув текиндр. Айниқса қишлоқ ҳужалиғи ходимлари сувга текин маҳсулотга қарагандак муносабатда бўладилар. Сувга бундай муносабат кейинги ун йилликларда, пахтачилик жадал ривожлана бошлаган даврда вужудга келди. Минтақадаги сугорма деҳқончилик тарихи икки минг йилдан кўпроқ мезгилга бориб тақалади. Бу ерда яшовчи халқлар азалдан сувга ҳаёт манбаи деб қараганлар ва қадрлаганлар.

Анжуманда суҳбат ва амалий уйинлар шаклида сувга авайлаб муносабатда бўлишни самарали тарғиб этиш имкониятлари кўриб чиқилди. Бу иш корхоналар, ҳужалиқлар, барча фуқаролар томонидан кенг кўламли сувдан фойдаланишни мавжуд усуллариини ўзгартиришга қаратилади. Аҳолининг турли табақалари учун сувнинг қадри, халқ ҳужалиғида ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда сувнинг аҳамияти тўғрисида таълим дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бу ишга фақат мутахассислар эмас, оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик ҳам жалб этилади. (ЎЗА).

«Энг катта орзуим - менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!»

Ислон КАРИМОВ

«Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Феврал воқеалари» сарлавҳали мақола мустақил Ўзбекистонимиз ҳар бир фуқаросининг қалбида акс-садо берди. Ундаги инсон кадр-қиммати, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизга зид бўлган коммунистик ҳамда диний ақидапарастлиқнинг зиён-захмати, асл моҳияти, озодлик йўлидан бизни ортга қайтармоқчи бўлган ёвуз кимсаларнинг асл қиёфаси хусусидаги сатрлар кишини ўйлашга, мушоҳада юриштишга, пировард натижада тўғри хулосалар чиқаришга ундайди.

Қуйида турли соҳа кишиларининг ушбу мақола юзасидан фикр-мулоҳазалари баён этилган.

КАТЪИЙ ҚОРАЛАЙМИЗ

«Феврал воқеалари» мақоласини ўқиб биз - ёшлар бағоят таъсирландик. Ундаги «Асосий бурчимиз - воқеаларни онгли идрок этиш, онгли таҳлил қилиш» деган гапларда ҳақиқатдан ҳам жон бор. Ишончимиз комилки, Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларида ўзимизнинг орамиздан чиққан ватанфурушларнинг кўли бор. Ўзи бир вақтлар нон-туз ичган, воғага етган заминга, ватанга хиёнат қилиб, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига сабабчи бўлган ёвуз кимсаларни катъий қоралаймиз. Давлатимиз раҳбарининг ёшларга кўрсатаётган меҳрибонлиги, ишончи ҳар бир талабага енгилмас куч-қудрат бахш этди. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда курсдошларимдан бири шундай деди:

— Президентимизга қилинган тажовуз ҳар бир фуқаро, ҳар бир талабанинг юрагига отилган ўқдир.

Бу сўзлар замирида чуқур маъно бор. Шу азиз Ватан бағрида эмин-эркин яшаб, ниятларимизга етиб ёшлиқни, ҳаётни қадраймиз. Истиқлолимизни кўролмаётган ёвузларга қарши катъий курашамиз.

Абваққос ШЕРМАТОВ,
Гулшода ОРИПОВА,
Фаргона Политехника институтини
Ал-Фаргоний стипендиати номдорлари.

НОНКЎРЛАР

Яхши эслайман. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида гдлнччилар зуғуми ва десантчилар бедодлигидан безиган, миллий гурури топталган халқнинг сабр кочаси тўлган эди. Ушунда бундай вазиятдан сохта демократлар устомонлик билан фойдаланмоқчи бўлишди. Улар мақолада эътироф этилганидек, аюханнос солсак, ҳокимият қўлимизга ўтади, деб хомтама бўлишганди.

Бирок ҳаёт уларнинг қанчалик ожизу нотавон эканликларини яққол кўрсатди. Яратганинг ўзи бизга етказган Ислон Каримов жонимизга оро кирди. Яқинда Тошкентга бориб пойтахтимизни таний олмай қолдим. Унинг гўзаллиги ҳар қандай хорижликни ҳам

мафтун қилиши табиий. Ҳа, собиқ иттифоқ ҳудудига кўпгина мамлакатлар, уларнинг халқлари бағоят қийналиб ҳаёт кечираётган бир шароитда ўзбекистонликлар эркин, ўз мустақил иродаси билан яшашмоқда, қишлоқларимиз обод, серфайз гўшаларга айланмоқда. Мақоладаги қуйидаги сатрлар ҳар бир софдил фуқаронинг, мен каби уруш ва меҳнат фахрийсининг айна дилидаги гапдир: халқимизда кўр хасасини бир марта йўқотади, деган гап бор. Лекин Солиҳдай кўрнамалар бу ҳикматнинг маъносига ета олармиди.

Абдулла ТЎХТАСИНОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси,
Фаргона шаҳри.

КАДР БИЛМАСНИНГ КАДРИ ЙЎҚ

Ҳар бир инсон ҳаётда не-не орзу-ниятлар билан яшайди. Фидойи меҳнатим юзага чиқса, эл-юрт ўртасида кадр топсам, бола-чакам билан яхши ҳаёт кечирсам, деган эзгу муддао ҳар биримизда бор. Ҳозирги шароитда яна бир муқаддас туйғу - мустақиллигимизни мустақкамлаш ишига муносиб ҳисса қўиш асл фуқаронинг қалбидан чуқур жой олиши керак. Табиийки, ёвуз кучлар 16 феврал воқеаларидан кейин одамлар кўрқув ҳолатига тушиб қоладилар, шу тариқа парокандалик юзага келади, деб ўйлашган албатта. Бирок, озодлик душманлари қаттиқ янглишгандилар. Президент атрофига мустаҳкам жапслаган, ўз қадри-қимматини англаб етган халқ қанчалик қудратли эканлигини жумлаи жаҳон кўрди. Мақолада тўғри таъкидланган: одамлар ҳаётни, янгиликларни онгли равишда идрок этишлари керак. Ислохотлар жараёни маъқул бўлса, уларни ўз шахсий эҳтиёжи, фуқаролик бурчи сифатида қабул қилсин. Маъқул бўлмаса, майли, иктиёри - танқид қилсин, фикрини билдирсин. Бирок, шахсий фикрим шуки, ҳеч ким, ҳеч қачон орқадан туриб тош отмаслиги керак. Мен истиқлолимиз арафасида майдонга чиққан амалпарастлар устидан куламан. Улар халқимизга ортиқча ташвиш, гафғолар келтирдилар, холос. Нозик дамларда «Ўзбекистонни мушкул аҳволдан олиб чиқиш учун нима қилиш керак?» деган савол кўндаланг қўйилганда ақлли бир гап айтишолмади. Фақат Президентимизнинг қатъий сави-ҳаракати, ақл-заковати туйғулганига қийинчиликлар мардондор енгиб ўтилди, муаммолар ҳал этилди. Ахир, ўша кезларда халқнинг қорини тўйгазишнинг ўзи катта жасорат эди-ку. Буни ким уйдасидан чиқди? Албатта, юртбошимиз, ҳукуратимиз!

Ҳаёт доно муаллим. У ҳамма нарсани вақти келиб жой-жойига қўяди. Ақлдан жудо бўлган, эндиликда нима қиларини билмай, аламзада ҳаёт кечираётган Солиҳ каби номкўрлар шармандаи шармисор бўладилар.

Истам ҚУРБОНОВ,
сохибкор, Булуғтур тумани.

ДИЁРИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Истиқлол шарофати туйғули хур Ўзбекистонимизни дунё таниди. Кундан кунга шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси чирой очиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб борапти. Ҳар соҳада янгилашди. Албатта бу ютуқларда юртбошимиз Ислон Каримовнинг хизматлари бекиёсдир.

Ўзбекистондаги ўзгаришларни, тинчликни кўролмайдиган нияти қора шахслар нопок қилмишлари билан тинчлигимизни бузиш, мустақил ҳаёт нашидасига оғу солмоқчи бўлганликларини эл-юрт асло кечирмайди.

Мен ва рафиқам ўқитувчимиз. Фарзандларимиз турли касбларда меҳнат қилишяпти. Биз уларни ва невараларимизни, билим бераётганимиз азиз ўқувчиларимизни, барча юртдошларимизни ҳамини шод-хуррам кўришни истаймиз.

Бейхитёр ёқа ушлайсан киши, қора ниятли кимсаларни ҳам она туққанми? Уларнинг ака-ука, опа-сингил, дўстлари борми? Уларнинг ҳам ўқитувчиси бўлганми?

Бахтимиз шуки, юртбошимиз соғ-омон, Ватанимиз тинч, осуда. Одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат ва аҳиллик юз берган воқеалар силсиласида янада мустаҳкамланди. Истагимиз: Юртбошимиз ва юртдошларимиз ҳамини омон бўлсинлар. Хур диёримизга кўз тегмасин.

Нормамат ТИЛАКОВ,
Касби тумани.

БАХИЛЛАРНИ БОҒИМИЗГА ЙЎЛАТМАЙМИЗ

Назаримда барча ота-оналар фарзандларига бир хилда панд-насихат қилади: беш қўл баробар эмас. Кўп бўлса ҳаддан ошма, оз бўлса ўқинма. Айниқса, бахиллик қилма. Чунки бахилнинг боғи кўкармас.

Бу гапларни мен бехуда қайтарайтганим йўқ. Сабабки, менинг билишимча 16 феврал куни Тошкентда содир этилган мудҳиш воқеа бир неча кишининггина оқибатини ўйламай қилган хатти-ҳаракати эмас. Бу ёвузликка унинг ижрочилари ҳам, уларни ушбу ёвузликка тайёрлаган кимсалар ҳам узок ҳозирлик кўришган, албатта. Мамлакатимизда бораётган ислохотлар ва мўтадил ҳаёт айрим бахил ва галамис кишиларнинг режаларига асло мос тушмас эди. Шунинг учун ҳам улар манзил сари дадил бораётган истиқлол қаровинини издан чиқармоқчи ва ўзлари истган тартиб-қондани ўрнатмоқчи бўлганлари аниқ.

Душманинг битта бўлса ҳам кўп, дейдилар. Огоҳ бўлайлик! Шундай қилишимиз кераки, орамизга ёвуз ният билан суқилиб кириб олмоқчи бўлганлар ҳар жойда қақшатқич зарбага учрасинлар.

Шарифбой ЗАРИПОВ,
«Хоразмтран» давлат ҳиссадорлик жамияти
ҳайдовчиси.

Касаба уюшмалари ва ижтимоий ҳимоя

Урта Чирчиқ туманида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси аъзолари...

риларда саломатликларини тикладилар. 13 нафар киши дам олиш уйлари ва яна...

Урни келганда бир ривоятнома воқеани айтиб ўтсак. Яъни, бир донишманддан сўрабдилар:

— Қандай кишининг кўнглини биринчи бўлиб овлаш керак...

— Хаста кўнглини овлаш лозим. Чунки у доим кимнингдир келишидан умидвор бўлиб...

Туман касабақўми ҳам биринчи галда вақтинча соғлигини йўқотганлардан хабар олишни одат...

нафар уруш қатнашчилари ҳам бундай меҳрдан четда қолмаптилар. Байрам дастурхонлари атрофида давра курган қариялар ўз навбатида бой меҳнат...

Соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиш учун энг аввало тарбиялаётган одамлар ҳам жисмонан, ҳам маънан соғ бўлиши талаб этилади.

— Амалдаги йил — «Аёллар йили» муносабати билан қатор тадбирларни амалга оширишни белгилаб қўйганмиз...

Абдунаби МАННОПОВ, «Ишонч» мухбири.

Феврал ойининг йигирманчи кунидан эътиборан Европа Иттифоқи давлатлари ўз электр энергияси бозорларини рақобатчилар учун расман очиб берди...

Икки йил муқаддам ЕИ ҳудудидagi мамлакатларнинг олий қонун чиқарувчи органлари томонидан энергетика бозорини эркинлаштириш тўғрисидаги қарори ва йўл-йўриқлари тасдиқланган бўлиб...

Франс Пресс агентлигининг ёзишича, Ирландия билан Греция ушбу чоратadbirlарни ижросини икки йилга қолдириш ҳуқуқини олди.

Хужжатга қўра, миллий бозорларни эркинлаштириш дастлаб 26,5 фоиз, 2003 йилга бориб эса 34 фоизгача етказилиши керак.


Фақат юқори ташкилот раҳбарларининг аралашуви билан биринчи муаллифи хоразмлик шифокор Эгамберган Машарипов.

Узбекистон темир йўллари давлат акционерлик компанияси шифокорлик санитария хизматига қарашли Урганч шифохонаси бош врачлари Қозоқбой Собировнинг унга нисбатан қўқунли хатти-ҳаракатларига адолатли баҳо беришда кўмак сўрайди.

Шу дамларда Э.Машарипов учун ишладан қўра, соғлигини тиклаш муаммоси му...

Э.Машарипов эса ҳалигача «Адолат қарор толмаган» дейди.

У 1984 йилдан шу касалхонада участка педиатри вазифасида ишлаган. 1994 йил бошларида соғлиги ёмонлашган. Шунда у Қ.Собиров номига ариза ёзиб...



Куддус.

OLAMDA NIMA GAP Электр энергияси бозорини такомиллаштириш йўлида

34 фоизлик қўрсаткичдан ҳам ошishi ниятида. Айтилганда, бир неча мамлакат, хусусан, Буюк Британия, Швеция ва Финляндия ўзларининг энергетика бозорини тўла эркинлаштириб бўлган.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳозир Буюк Британия ва Скандинавия мамлакатларида энергетика «супермаркет»лари фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, бу масала Урганч шаҳар судида кўрилади. Суд Қ.Собировга Э.Машариповни аввалги вазифасига тенг даражадаги иш билан таъминлаш мажбуриятини юклайди.

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

хирроқ эди. У ногиронлик давридан фойдаланиб, даволашни қилишди. Орадан муайян вақт ўтган, яна Москва бўлди. Бунга қарангки, махсус комиссия, унинг соғлиғи тикланган, ишга яроқли деб топибди.

Р.Абдурахмоновга учрашишдан ҳам фойда йўқлигини яши биларди. Шу боис Хоразм темир йўл дирекциясининг бирлашган касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилди.

Хуллас, бу масала Урганч шаҳар судида кўрилади. Суд Қ.Собировга Э.Машариповни аввалги вазифасига тенг даражадаги иш билан таъминлаш мажбуриятини юклайди.

Шу дамларда Э.Машарипов учун ишладан қўра, соғлигини тиклаш муаммоси му...

жат эркинлаштиришнинг биринчи босқичида айрим мамлакатларга имтиёз ҳам беради. Бу давлатлар маълум тоифадаги истеъмолчиларга товар етказиб беришчиларни танлаш ҳуқуқини беради.

Номи зикр этилган ҳужжатда яна шу нарса таъкидланадики, энергетика бозори тўла эркинлаштирилган давлатлар ЕИ ҳудудида ҳали бу тарафда бозорга етарли даражада эга бўлмаган мамлакатлардан маҳсулот импорт қилишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига ҳам эга.

Хулоса қилиб айтганда, Европа Иттифоқи энергетика бозорини такомиллаштириш йўлида яна бир қадам ташлади.

«Ишонч» мухбири.

Хужжатда яна шу нарса таъкидланадики, энергетика бозори тўла эркинлаштирилган давлатлар ЕИ ҳудудида ҳали бу тарафда бозорга етарли даражада эга бўлмаган мамлакатлардан маҳсулот импорт қилишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига ҳам эга.

Хулоса қилиб айтганда, Европа Иттифоқи энергетика бозорини такомиллаштириш йўлида яна бир қадам ташлади.

«Ишонч» мухбири.

даги талабларни ўртага қўйдилар: 1. Шаҳарни биргалликда бошқариш ва унинг таркибида мухториятчиларнинг кўпроқ вакиллари бўлишини таъминлаш;

якин кишилари билан ҳуқуматни ташлаб Қўқонни тарқатишни лозим топди. Мухтор ҳуқумат Ҳарбий кенгаши раиси М.Чанишев ва унинг энг яқин сафдошлари — рус офицерлари қамқоққа олиндилар.

ганларига ўт қўйиб ёндирил юбордилар. Мусулмонлар яшайдиган хонадонларга бостириб кирдилар.

Хуллас, Туркистон Мухторияти номи билан тарихга кирган Қўқон мухторияти тор-мор қилинди.

мақсади ва моҳиятини очиб ташлади. Большевойларнинг Қўқон шаҳрида амалга оширган дахшатли фожеалардан ҳатто Туркистонда яшаётган Европу аҳолисида мансуб эсерлар, қадетлар ва меньшевикларнинг вакиллари ҳам нафратланган эдилар.

сизлар. ...Интернационалистлар фракцияси номидан зудлик билан рўй берган воқеани тафтиш қилиб, ўрганиш чўқувчи комиссия тузишни, инқилобнинг қизил байроғига қимки доғ тўширган бўлса, оқдўй гуардиячидан тортиб, отряд командирини ҳамма-ҳаммасини қатлий жавобгарликка тортишни талаб қиламиз.

сўраш зарурлигини, ҳатто 1919 йил 9 майда Ленин ҳузуринда бўлган афғон-хинд делегацияси бошлиғи, Мухаммад Барокатуллоҳ ҳам озаки, ҳам ёзма равишда баён этганди.

СЎЙНМАС ОРЗУСИ

қилиш. Аммо большевик Е.Г.Бабушкин раис бўлган инқилобий қўмита мухториятчиларнинг бу таклифларини қатъиян рад этди.

этиб тайинланди. Ана шу тариқа мухтор ҳуқуматда давлат тўнтарини юз берди. Ҳокимият ашаддий мурасасиз қўнлар қўлига ўтиб қолди.

Убайдулла Хужаев, Абдулхамид Сулаймон (Чўпон) Қўқондаги фожеавий ҳодисаларни Ашхабоддан Самарқандга келаятганларидан эшитдилар ва йўлларини ўзгариштириб Оренбург томон йўл оладилар.

У маърузада: «Биз фақат миллий қирғинларни қўраемиз; уни ёвуз душмани бўлиш подшо монархияси ва ҳуқумати қўлаб-қувватлаган эди. Қайси социалист бунга ишониши мумкин? Сиз Туркистонни ташлаб қўра кетасизми? Агар бу ерли халқнинг хоши-иродаси бўлса-чи? Кимки бу тўғрида гапирадиган бўлса, сизлар дарров унинг овозини унрашга мажбур эдингиз.

Туркистон мухториятини қонга ботирилганлигининг энг асосий ва бош айбодори Ленин бош бўлган Шўролар ҳуқумати ва Коммунистик фирқадор, қолаверса, Марказий ҳуқуматнинг Туркистон филиали ва унинг қонхўр ва жаллод малайлари бўлиши, эндигина 26 ёшга тўлган Ф.Колесов раҳбарлигидаги Туркистон Халқ Комиссарлари ҳуқумати ва унинг аъзолари бўлиши.

Биз унинг мухториятини қонга ботирилганлигининг энг асосий ва бош айбодори Ленин бош бўлган Шўролар ҳуқумати ва Коммунистик фирқадор, қолаверса, Марказий ҳуқуматнинг Туркистон филиали ва унинг қонхўр ва жаллод малайлари бўлиши, эндигина 26 ёшга тўлган Ф.Колесов раҳбарлигидаги Туркистон Халқ Комиссарлари ҳуқумати ва унинг аъзолари бўлиши.

Шундай қилиб Туркистон мухторияти қонга ботирилди ва тор-мор қилинди. Аммо у исзиз кетмади. Қўқон шаҳридаги қонли фожеа Туркистон халқларига ҳаётий сабоқ берди. Шўролар ҳуқуматининг асл шовинистик қўмитасини очиб ташлади. Шу боисдан Шўроларнинг мустамлакачилик тузумига қарши халқ миллий озолик уруши бошланди кетди.

Ш.КАРИМОВ, Р.ШАМСУДИНОВ, Профессорлар.

Хаёт тасодифларга тўла. «Исик жоннинг иситмаси бор» деган нақл бежиз айтилмаган. Хар қандай одам ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра хасталаниб қоладиган вазиятлар бўлади. Ана шулардан бири жараҳат олишдир. Унинг энг оғири - суяк синиши, айниқса умуртқа поғонасининг шикастланишидир. Одам тасодифнинг таянчи ҳисобланган умуртқанинг шикастланиши кўп ҳолларда оғир оқибатларга олиб келади. Уни даволашга ҳам анчагина вақт ва маблағ сарфлаш талаб қилинади.

Шифокорлар ва олимларнинг таъкидлашларича, умуртқа жараҳатланиши умумий жарроҳлик касалликларининг 3-4 фойзиди ташкил этади. Бундай бемор шифохонада 2-2,5 ой ётиб даволашни керак. Шундан кейин ҳам уларнинг кўпчилиги ногирон бўлиб қолишади. Ҳатто умуртқаси енгил (1-даражали) жараҳатланганларнинг 55-60 фойзи тиббий комиссия томонидан ногирон, деб топилади. Беморни даволаш, кейинчалик кўп йиллар ногиронлик нафақаси тулаш давлатга осон бўлмаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда ҳар йили 1000-1200 киши умуртқа жараҳатланишига дучор бўлар экан. Бу жиддий муаммо.

Умуртқа жараҳатланиши ва унинг асоратларини даволаш, беморни ногиронликдан сақлаш борасида Самарқанд вилоят травматология ва ортопедия шифохонаси бўлимида даволашнинг янги усули ҳамда махсус мослама ихтиро қилинганга аниқ бўлди. Мазкур бўлим мудирини Сайидқосим Пардаев ва Самарқанд тиббий институтининг профессори Файзулла Уринбоев ҳамкорлигида ишлаб чиққан тиббий қўллаб (корсет) умуртқаси шикастланган беморларни даволаш мuddатини 6-8 марта, ногирон бў-

либ қолиш ҳолларини 3-4 марта камайтирди. Энг муҳими, бундай усулда даволаш жараҳатнинг асоратларини қолдирмайди. Ушбу ихтиро учун С.Пардаев 1995 йилда Москвада патент олган. Янгилик республикада ҳам тан

(даволаш ва илмий текшириш муассасалари - Р.Қ) усул ва мослама тўғрисида ижобий ҳулосалар олинган.

Мосламани ишлаб чиқариш ва уни беморларда қўллаш руҳсатини олиш учун ССВнинг янги техника қўмитасига

ярим йил мобайнида ихтирочилар бирор ижобий силжишни сезишмади. Яқинда биз яна шифокор С.Пардаев билан суҳбатлашдик.

— Газета масалага муносабат билдирганидан кейин Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий тех-

шифохонамида даволанган беморлар мисолида кўриш мумкин. Турли шифо топишни истаган одамлар республикамизнинг турли жойларидан наҳот истаб келишмоқда. Мослама етарли бўлмагани учун биз кўпинча ноқулай аҳволга тушиб қолаёلمиз. Ўтган йили 22-23 декабр кунлари Наманганда травматолог ва ортопедларнинг республика илмий-амалий анжумани бўлди. У умуртқа касалликларини даволаш муаммоларига бағишланган. Мен ўз мосламамиздан олиб борганим. Анжуман кунлари мосламани таништириш учун Андижон вилояти туман шифохоналаридан бирида умуртқаси жараҳатлини 18 кун ётган беморга тиббий қўллаб (корсет)ни кийдириб, уни оёққа тургадик ва анжуман қатнашчиларига кўрсатдик. Хуллас, биз ўз имконимиз доирасида ҳаракат қилаёلمиз, ammo тегишли идораларнинг амалий ёрдамисиз мақсадга эришиб бў-

майди. Биз шифокорларнинг мақсади нима? Биринчидан, юртдошлар саломатлигини сақлаш ва тиклаш борасидаги эзгу ниятларни рўйбга чиқариш, самарали усулни кенг қўллаш орқали беморни даволаш ва ногиронлик нафақасини тулашга сарфланаётган давлат маблағини тежашга кумақлашдир.

С.Пардаевнинг айтишича, Европа мамлакатларида даволашнинг бу усулига қизиқиш катта ва шу йўналишда изланишлар олиб борилмоқда. Туррачилик домига тушган қайсидир амалдорнинг «оғир қарвон»лиги бизга панд бериб қўймаймиди?

Ихтиро қўллаб-қувватланса, саноат усулида мослама (тиббий қўллаб) ишлаб чиқарилса ва у чет элда ҳам ўз харидорини топса, қанчалик улуг иш бўларди.

Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

ИХТИРОГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги диққатига

олинди. Лекин янги усул ва махсус мосламани қўллашни оммалаштириш пайсалга солинмоқда. Шифокорлар ҳанузгача қўлбола усулда ясалган мосламалардан фойдаланишяпти.

Биз бу хусусда «Ишонч» газетасининг 1997 йил 12 август сонидан суз юритгандик. Қутарилган масала бўйича Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмфан ва технологиялар бош бошқармаси бошлиғи У.Қаюмовнинг жавоб хатида шундай дейилганди: «Муассасалардан

топширилган тегишли ҳужжатлар кўриб чиқилмоқда. Масала ижобий ҳал этилгандан сўнг, республика эҳтиёжини қоплаш учун етарли миқдорда мослама ишлаб чиқарилади. Ушбу ишни амалга ошириш учун ҳозирдан тегишли муассасалар билан маблағ ажратиш ва мосламани ишлаб чиқариш тўғрисида дағдағлики келишувга эришилган». («Ишонч», 1997 йил 3 октябрь).

Хўш, шундан кейин нима загарди? Ҳеч нарса. Аниқроғи, ўтган бир

ника назорати бош бошқармасининг ихтиро рўйхатга олингани ҳақидаги 01297-рақамли қайд гувоҳномаси берилди. Меҳнатимиз инобат олинганидан қувондик. Лекин амалий ишдан дарак бўлмапти, дейди у қуёничи. - Нокамтарликка йўмангану, умуртқа жараҳатланишини амбулатория шартларида даволашнинг ўзига хос усули ва мосламаси жаҳонда биринчи бўлиб Самарқандда ишлаб чиқилди ва уни қўллаёلمиз. Унинг аҳамияти ва самарасини

Чилонзор туманидаги 201-мактабда таълим-тарбия ишларини давр талаблари даражасига кўтариш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Шу боис бугунги кунда мактаб Тошкент шаҳридаги кўзга кўринган илим максадаларидан бирига айланган. Пойтахт мактаблари фаоллари иштирокида ўтказилаётган тадбирлар учун айнан 201-мактаб танланганининг сабаби ҳам шунда.

Маданий-маърифий ишларни амалга оширишга бевосита алоқадор бўлган мутахассисларнинг бу каби анжуманлардаги иштироки уларнинг янада самарали ишлашларида муҳим омил бўлапти.

Суратда: анжуман иштирокчилари.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

«Ишонч» танловига

Ўтган йилнинг июн ойида барча бокс иштирокчиларининг нигоҳи Хитойнинг Чан Жинг вилоятида бўлаётган саккизинчи жаҳон чемпионатига қаратилган эди. Маълумки, спортда қонуният билан тасодиф ёнма-ён юради. Буни кўпинча омад дейишади. Бу ҳам шундай бўлди. Қўтилмаганда шоҳсупага 22 ёшли жиззахлик йигит кутарилди. Диктор «Ўзбекистонлик оғир вазилди боксчи, жаҳон чемпиони кубоги совриндори Лазизбек Зокиров» деб таништирганда зал гуё оқширдан титраб кетди. Чемпион шарафига республикамиз байроғи кутарилди, мадҳиямиз янгради. Лазизбекнинг кўзида севинч ёшлари кўриниб турарди. Шу кунги олтин медал ва кубокни қўлга киритган боксчимизнинг номи жаҳон спорт юлдузлари қаторига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Бу галаба осонликча қўлга киритилгани йўқ, албатта. Ақл ва кучнинг уйғунлиги уни энг баланд шоҳсупа сари етаклади. Учала учрашув ҳам шиддатли ўтди. Африкалик Аҳмад Добрини, италиялик Павло Видасини, хитойлик Абдул Дуксини мағлубиятга учратганининг узи бўлмади. Тинимсиз машқ ва энг муҳими узига бўлган ишонч Лазизбекка қўл келди.

Унинг таржиماи ҳоли жуда оддий. У 1976 йил 3 сентябрда Жиззах тумани Навоий номи жамоа хужалигида дунёга келди. Отаси Мамажон Зокиров Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика олийгоҳида кўп йиллардан буён астрономия фанидан дарс бериб келади. Онаси Муяссар Зокирова Ҳамид Олимжон номи ўрта мактабда ўқитувчи. Акаси Улуғбек Жиззах педагогика олийгоҳининг жисмоний тарбия факультетини тугаллаган. Бокс бўйича республика чемпиони. Мустақиллик кубоғи учун 1997 йилда Андижонда оғир вазиллар ўртасидаги республика чемпионатида II уринини эгаллаган. Ҳозирда ички ишлар органда хизмат қилади. Укаси Жасур эса педагогика олий билимгоҳининг мусиқа факультетига ўқийди. У ҳам акалари йулидан бориб, бокс билан жиддий шугулланмоқда.

Лазизбек боксга акаси Улуғбекка ҳавас қилиб, кириб келди. У 1986 йилдан бошлаб қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт секциясига қатнади. Унга Васлий Хан, кейинчалик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Шароф Худойбердиев мураббийлик қилишди.

Биринчи галабасини Лазизбек яхши эслайди. 1987 йили — спорт билан шугулланганига эндигина 5 ой бўлган эди. Шаҳар биринчилиги учун ўтказилган бокс турнирида рақиб Мирзаев устидан галаба қозонгани ушунда. Лазизбек Зокиров жами 168 марта рингга чиқиб, унинг 156тасида голиб бўлган.

Чемпионнинг отаси Мамажон Зокиров билан суҳбатлашганимизда у киши қуйидагиларни гапириб берди: «Бизнинг авлодимизни асли «полвон туғи» дейишади. Ҳа, авлодимизда курашчи полвонлар кўп бўлган. Илгари тоғамиз Аҳмадқул Мустафақулов югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган. Курашчи Туркман қассобни кўпчилик билади. Шунингдек, мотоцикл пойгасида бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлган Турмухамедовни бутун республика танийди. Мана учала уғлим ҳам спортчи.

Республикамизда ўтказилган уйяларнинг бирортасидан ҳам қолмайман. Ўшбу йили Қўқон шаҳрида Ўзбекистон чемпионати бўлди. Шунчалар берилиб кетибманки, Лазизбек рингга тушганда роса ҳам бақрибман. Кейин айтиб беришди. Қўқонлик мухлислар «Раҳмат Сиздек отага» дея табриклашгани ҳали ҳануз ёдимдан чиқмайди. Узоқ юртларга кетса албатта фотиҳа бериб, галаба тилайман. Қайтиб келганига қадар ҳаяжонлиниб юраман, телевизор олтидан кетмайман. Оллоҳга минг қарра шуқрки, уғлим ишончимизни оқлапти. Бунинг учун авваламбор галабаларга эришишда катта меҳнатлари синган мураббийлар Владимир Николаевич Шин ва Шароф Худойбердиевлардан гоёт миннатдорман. Қолаверса Лазизбекка насиб этган совринларни республикамиз халқининг обриси, деб биламан.

Биз Л. Зокиров билан ҳам суҳбатлашдик. У шундай дейди: «Чан Жинг вилоятида менинг шарафимга байроқ кутарилиб, Ўзбекистон мадҳияси янграганида куз унгимда она Ватаним, устозларим, ота-онам, дўстларим ва мухлисларим намоен бўлди.

— Келажакдаги орауларингиз? — 2000 йилда Австралияда ёнги жаҳон олимпиадаси бўлиб ўтади. Ниятим олимпиадада галаба қозониб, олтин медални қўлга киритиш, мамлакатимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

О. САИДОВ, Х. АБДУЛЛАЕВ.



ТАБОБАТ ОЛАМИДА

Олимлар, агар аёллар алкохол истеъмол қилганидан воз кечсалар 7 йил, эркеклар эса 11 йил узоқроқ умр кўрадилар, деган ҳулосага келдилар.

Касалликларга қарши эмлашлар натижасида инсоният 10 йил кўпроқ яшар экан.

Пеницилин кашф этилганлиги сабабли кишилар ўртача умр кўриши 6-7 йилга ортди.

Агар амалий жиҳатдан соғлом эркек 45 ёшида соғлом ҳаёт тарзи қондаларига амал қилса, яна 33 йил умр кўриши мумкин.

Кунига 1-2 стакан кофе ичадиган аёлларда депрессия эҳтимоли 80 фойизга камайар экан.

Вазини камайтириш артериал босимни туширишнинг дорисиз усуллари ичида энг яхши усуллар, иккинчи ўринда эса он кишини камроқ истеъмол қилиш туради.

Р.РАСУЛОВА тайёрлади.

«ДУНЁ-М»

хиссдорлик жамияти

Қарши шаҳри, Шайхали кўрғони, Олтин бошқоқ кўчаси, тел: 3-87-16
Барча истеъмолчиларга 200 ва 300 граммлик идишларга қадокланган

МАЙДАЛАНГАН БУГДОЙ ЎЗАГИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

- Чунки ушбу маҳсулот
- овқат ҳазм қилишни яхшилайдди;
 - аллергияни йўқотади;
 - тиш ва сочларни мустаҳкамлайди;
 - терини тозалайдди;
 - мушакларни ўстиради.
- Ўзакни нон ва қандолат маҳсулотларига, гўшти ва сутли таомларга бойитувчи модда сифатида қўшиб истеъмол қилса бўлади.

«ЧИЛОНЗОР ДЕНТАЛ СЕРВИС» ДА

Стоматология ёрдамликнинг ҳамма турлари:

- оғриқсиз даволаш;
- сунний, фарфор ва металл-керамик тишлар қўйиш;
- тиш имплантатлари;
- тиш пломбалари.

Сизнингга қадролати нақд. Клиникда стоматология материаллар дўкони ушлайдди.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мухомид кўчаси, 12. (мулк: метронинг «Халқаро бекати») Тел: 78-37-10, 78-39-00, 78-94-93, 78-47-79

ФИЛИАЛИ:

Тошкент шаҳри, Фарход кўчаси, 8-А. (мулк: метронинг «Чилонзор бекати») Тел: 76-36-61, 76-85-41.

Ҳар тўғрида

БАЛИҚЛАР «СЎЗ БОЙЛИГИ»

Мутахассис олимлар сув ости ҳайвонлари ҳаётининг қизиқ томонларини кузатишган. Балиқларнинг ҳар хил ҳаракат қилишларида маълум маъно бор экан.

Олимларнинг фикрича, балиқлар турли ҳаракат ва вазиятлар воситаси билан ўзаро гаплашар экан. Бу ҳаракатлар уларнинг бир-бирига пўписа, химоя ва болаларини химоя қилишдаги шартли белги бўлиб, айниқса учриш, уруғ сочиш пайтларида балиқларнинг «сўз бойлиги» янада кўпаяр экан.

ЎРТА АСР ТАРОЗИСИ

Тошкентнинг Шоштепа шаҳарчаси қатламида археологлар XI-XII асрга оид ихчам тарози топиб олишди. Тарозининг ҳар иккала палласи қумушдан ишланган бўлиб, айланаси беш сантиметрли ташкил этади.

Бу тўпилма Ўрта Осиёда камёб, Тошкент атрофида эса ягона ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш, ammo ҳажми бироз каттароқ тарози Фарғона водийсининг қадимий маркази Ахсиқат ҳаробаларидан ҳам топилган эди.

Афтидан, бундай тарозилар ўрта аср зарғари, кимёгар - доришунос ёки иши аниқ ҳисоб билан боғлиқ бошқа усталарга зарур бўлгандир.

СУМБУЛ БАЙРАМИ

Баҳор ёмғирларидан кейин кўқариб очиладиган гулли бундан икки-уч минг йил илгариги юнонлар сунбул (гиацинт) деб аташган. Юнонистонда ҳар йили баҳорда 3 кунгача сунбул байрами ўтказиш расми бўлган.

Қадимги юнон эртакларида сунбул қайғу-ҳасрат гули деб талкин этилган. Бунинг сабаби шундай экан: Сунбул ўша вақтларда ўтказилган спорт мусобақаларидан бирида ҳалок бўлган Гиацинт исмли бир йигитнинг қондан униб чиққани учун, унинг номи ҳам «гиацинт» деб аталиб келинган экан.

«ЖАННАТ» ГУЛИ

Наврўзгул ҳақида ҳам кўп афсоналар тўқилган. Ўша вақтларда Наврўзгулли шифобахш, жаннат гули деб билиб, унга эътиқод қилишарди.

Қадимги юнонлар наврўзгулли ўн икки худдо гули, у ҳамма касалликларга даво деб билишган.

Баъзи кишилар наврўзгулда ҳазина ва тилсимотларни очадиган ҳамда сеҳр ва жодуларни бекор қиладиган яширин куч бор деб астойдил ишонганлар.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

БОШ МУҲАРРИР: Мирғиёс ҚАЮМОВ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИКА БОШЛАГАН

БОШ МУҲАРРИР: Мирғиёс ҚАЮМОВ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Бош муҳаррир қўбўхонаси - 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари - 56-52-89
Масъул котиб - 36-52-78

БЎЛИМЛАР:

Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт - 56-82-79.
Ахборот ва спорт - 56-87-63. Маънавий ва маданият - 56-82-79. Ҳатлар, оммавий ишлар ва муҳаббат билан ишлаш - 36-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ - 56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қирғизда - 5-19-11. Қумқўрғонда - 54-3-58.

Сотувда эркин нархда.

Манзилгоҳи: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Права Востока») кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00003 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеридан терилган ва сақланган. Ҳисоб усулида босилган. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашрийёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топшириди 22.00